16.20 Обзор. Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю.
17.00 "Сегодня. Итоговая программа" с Кириллом Подзияковым.
18.50 Честосердечное признание.
19.00 "Центральное телевидение". Первое информационное шоу.
19.55 "Тайный шоу-бизнес".
20.55 "НТВшники". Арена острых дискуссий.
22.00 Илья Шакунов в боевике "Агнисиайтер. Выстрел из прошлого".
00.30 Чудо-люди.



03:50 "Наука 2.0". Легенды о чудовищах
04:45 07:30 16:50 17:15 Вести-Спорт.
05:00 Профессиональный бокс
07:45 Вести-Спорт. Местное время
07:55 Битловн. Чемпионат России.
09:35 АвтоВести
09:50 "Большой тест-драйв со Сталлианом"
10:45 ФОРМУЛА-1. Гран-при Малайзии. Прямая трансляция
13:15 Футбол. Премьер-лига. "Динамо" - "Спартак"
15:35 "Планета футбола" Владимира Стогниенко
17:25 Футбол. Премьер-лига. Прямая трансляция
19:25 Профессиональный бокс.
21:50 "Футболл"
22:55 "Картавы футбола"
23:10 Вести-Спорт



05:00 "Все-тип-топи, или Жизнь на борту"
07:00 М/с
08:00 "Самый умный"
08:45 15:00 "Браши"
10:00 "Гангстер"
11:00 "Снимите это немедленно!"
Ведущие - Наталья Стефаненко и Таша Строгая
12:00 X/ф "Человек-паук - 2"
14:25 15:30 "6 кадров"
15:45 "Шрек. Страшилки"
Мультфильм
16:15 "Шрек-2" Полнометражный анимационный фильм
18:00 Шоу "Уральских пельменей".
Отцы и дети
19:30 "Валера ТВ" Сквэг-шоу
20:00 X/ф "Человек-паук-3"
22:40 Шоу "Уральских пельменей". На старте! Внимание! Март!
00:10 "Стройбата"



05:00 М/ф СМФ
07:45 X/ф "Кудла привождает кривых зеркал".
09:15 X/ф "Деревня Утка".
11:00 Д/ф "Тайна снежного человека", 2 серия
13:55 X/ф "Кудла привождает мечты".
15:30 X/ф "Майк".
18:00 X/ф "Фенюмен".
20:30 X/ф "Полусеть".
22:45 X/ф "Алюкит дьявола".
01:40 X/ф "Битва с огнем".
03:30 Д/ф "Тайны великих магов".



Душанба

06:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
06:15 "Асрлар салоси" дастури
07:00 Бунёдкор ЕТК: "Болавар шаҳарчаси" кўрсатув
07:15 Болавар мусиқаси
07:30 Информацион блок
08:00 "Муқиқа вақти" дастури
08:30 "Формула хабарлари" кўрсатув
08:40 "Муқиқа вақти" дастури
09:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
09:10 "Салтанат жодуси" т/с (08-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Урашув" б/ф
11:45 "Муқиқа вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Кўпмаъраги томоша
12:20 "Интервью" кўрсатув
12:30 "Кўпмаъраги тақдир" б/ф
14:30 Ёшлар студияси: "Келажак биздан қозма юз" кўрсатув
14:40 "Муқиқа вақти" дастури
15:00 Информацион блок
15:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:30 Ҳужжатли фильм
16:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Шерак Холмс" т/с (17-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
18:10 Янги алоқа студияси: "Бизнинг" интеллектуал ўйини
18:20 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муқиқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Салтанат жодуси" т/с (07-кўсим)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:00 "25-кадр" кинорежиссура
21:40 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
21:45 "Гармон ўйини" б/ф
23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
23:50 "Муқиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Легенда Зорро" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

14:40 "Муқиқа вақти" дастури
15:00 "Хўлда" информацион дастури
15:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:30 Ҳужжатли фильм
16:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Шерак Холмс" т/с (17-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
18:10 Янги алоқа студияси: "Бизнинг" интеллектуал ўйини
18:20 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муқиқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Салтанат жодуси" т/с (07-кўсим)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:00 "25-кадр" кинорежиссура
21:40 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
21:45 "Гармон ўйини" б/ф
23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
23:50 "Муқиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Легенда Зорро" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

Чоршанба

"Наврўзи айём муборак, Азиз Юртим!"
06:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
06:15 "Асрлар салоси" дастури
07:00 Баҳадур навалар
08:00 "Болавар сумалари"
08:30 "Гюмюк ва Жулетта" м/ф
10:00 "Ассалам Наврўзи олаҳ"
12:00 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
12:15 "Бахт излаб" б/ф премьеря
14:00 "Тап" кўпмаъраги кўрсатув
15:00 Янги алоқа студияси: "Шўх болавар" дастури
16:00 "Оқал-шўр"
18:00 "Сенга муҳтожам" б/ф премьеря
19:45 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:00 "НТТда Наврўзи байрами" мусиқий дам олинди дастури
22:00 "Менинг акам бўлди" б/ф премьеря
00:00 "Оқал-шўр"
02:00 Тунги кинозал: "Олжаси в Мексико" б/ф
04:00 "Хайри тун, Ўзбекистоним!"

Пайшанба

06:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
06:15 "Асрлар салоси" дастури
07:00 Янги алоқа студияси: "Янги алоқа янгиликлари"
07:30 "Хўлда" информацион дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Муқиқа вақти" дастури
08:30 "Формула хабарлари" кўрсатув
09:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
09:10 "Салтанат жодуси" т/с (07-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Менинг акам бўлди" б/ф
11:45 "Муқиқа вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Кўпмаъраги томоша

12:20 "Менинг акам бўлди" Ўзбекистон" кўрсатув
12:30 "Кўпмаъраги ўйини" б/ф
14:30 "Ёшлар студияси: Келажак биздан қозма юз" кўрсатув
14:40 "Муқиқа вақти" дастури
15:00 "Хўлда" информацион дастури
15:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:30 Ҳужжатли фильм
16:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Шерак Холмс" т/с (18-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
18:10 Янги алоқа студияси: "Бизнинг" интеллектуал ўйини
18:20 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муқиқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Салтанат жодуси" т/с (08-кўсим)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Тунги ҳаёт дейилар" дастури
21:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
21:45 "Муқобилати ажал" б/ф
23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
23:50 "Муқиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Коллекция" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

Жума

06:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
06:15 "Асрлар салоси" дастури
07:00 Янги алоқа студияси: "Шўх болавар" кўрсатув
07:15 Болавар мусиқаси
07:30 "Хўлда" информацион дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Муқиқа вақти" дастури
08:30 "Формула хабарлари" кўрсатув
08:40 "Муқиқа вақти" дастури
09:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
09:10 "Салтанат жодуси" т/с (08-кўсим)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Сенга муҳтожам" б/ф
11:45 "Муқиқа вақти" дастури
12:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
12:10 Кўпмаъраги томоша
12:20 "Ирой вақли" кўрсатув
12:30 "Саркарлар" б/ф
14:30 Ёшлар студияси: "Келажак биздан қозма юз" кўрсатув
14:40 "Муқиқа вақти" дастури
15:00 "Хўлда" информацион дастури
15:20 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
15:30 Ҳужжатли фильм
16:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
16:05 "Шерак Холмс" т/с (19-кўсим)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
18:10 Бунёдкор ЕТК: "Болавар шаҳарчаси" кўрсатув
18:20 "Мадагаскарлик пингвинлар" м/ф
19:00 "Муқиқа вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"

19:30 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
19:40 "Салтанат жодуси" т/с (09-кўсим)
20:30 "Хўлда" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:00 "Кўпмаъраги" кўрсатув
21:45 "Вақт қўрқочлари" б/ф премьеря
23:45 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
23:50 "Муқиқа вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал: "Портретини тортди" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

Шанба

06:00 "24. Ўзбекистон" ахборот блоки
06:15 "Асрлар салоси" дастури
07:00 "Янги кайфият" дастури
07:30 "Хўлда" информацион дастури
07:50 "Бизнес-репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
08:00 "Мета ака" м/ф
09:30 "Comedy.UZ" теле-шоу
10:00 "Шайлоқ киз" б/ф
11:40 "Муқиқа вақти" дастури
12:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олинди дастури
13:15 "Муқиқа вақти" дастури
13:30 "Трансформерлар-2" б/ф
15:30 Кўпмаъраги томоша
15:40 "Муқиқа вақти" дастури
16:00 "Кўпмаъраги" кўрсатув
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "Қариб денгиз қароқчилари 4" б/ф (1-кўсим)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Формула хабарлари" кўрсатув
19:40 "Муқиқа вақти" дастури
20:00 "Парламент соғити" ахборот-таҳлилий дастури
20:30 "Тап" кўпмаъраги кўрсатув
21:30 "Тангри яратган ҳақиқат" б/ф (Хинчилов)
03:00 "Муқиқа вақти" дастури
05:15 Тунги кинозал: "Собхон" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

Якшанба

06:30 "Асрлар салоси" дастури
07:30 Информацион блок
07:50 "Жаҳон НТТ нигоҳида"
08:00 "Тунги ҳаёт дейилар" дастури
08:30 Болавар соғити
09:20 "Ўзгилар адукарлари-1" б/ф
11:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
12:00 "Тап" кўпмаъраги кўрсатув
13:00 "Мен на сен" б/ф (Хинчилов)
16:00 "Муқиқа вақти" дастури
16:15 "25 кадр" кўрсатув
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" теле-шоу викторинаси
18:00 "Қариб денгиз қароқчилари 4" б/ф (2-кўсим)
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Тунги студия" кўрсатув
19:45 "Comedy.UZ" теле-шоу
20:20 "Супер келинчақ" теле-шоу
21:00 "Дилдор ширин" мусиқий-дам олинди дастури
22:15 "Ишорат етдиш дуа" б/ф
00:15 "Муқиқа вақти" дастури
02:00 Тунги кинозал: "13 вақт" б/ф
02:00 Тунгида хайри бўлади!

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
“ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ
ТАРМОҒИ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ**

*Азиз Ватандошларимизни,
шуну жумладан, барча соҳалиш ходимларини
бахор ва янгиликни,
мехр-мурувват байрагини*

*Наврўзи олами
билан салимли муборакбод этади.*

*Қутлуғ айёли
юртимизга ва хонадонимизга
тинчлик-тотувлик, қут-барақа
ва бахт-саодат келтирсин!*

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
НАВОЙ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон халқини
жаннатмонанд юртимизга янада
кўркамлик бахш этаётган*

*Наврўз айёми
билан муборакбод этади!*

**«Beeline» Sizni Navro'z ayyomi
bilan tabriklaydi!**

Sizga uzoq umr, oilangizga tinchlik va totuvlik,
omad tilaydi!

Shunday ajoyib kunda quyosh yorqin charaqlaydi,
qozonlarda sumalak qaynaydi, Bahor tashrif buyuradi!

Bayram muborak bo'lsin aziz Yurtdoshlar!



Beeline®
hayotning yorqin tarafida bo'l

Соҳа ривожига хизмат қилади

"Навий матбуот таркатувчи" шўъба корхонасида ўтказилган йиғилиш вилоятда вақтда матбуот нашрилар чакана савдосини ташкил этишдаги муаммоларга бағишланди.

Корхона директори Ш.Рустамов олиб борган йиғилишда "Матбуот таркатувчи" акциядорлик компанияси бош директори С.Нажбидинов, вилоят Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф.Орзикулов, нозир Ш.Рахматов, ЎзААА Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Искандаров ҳамда корхона ходимлари ва матбуот дўконлари сотувчилари иштирок этишди.

Кун тартибига киритилган масала, яъни вилоятда вақтда нашрлар чакана савдосини ташкил этишдаги камчиликлар ва уларнинг ечими ҳақида ЎзААА Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х.Искандаров сўзга чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

"Матбуот таркатувчи" АК бош директори С.Нажбидинов вилоятда даврий нашрлар тарқатилиши тизими аҳолини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиш, матбуот дўконлари фаолияти устидан назоратни янада кучайтириш ишларини жадаллаштириш лозимлигини, "2011-2014 йилларда даврий матбуот тарқатиш тизимини такомиллаштириш ва модернизация қилиш" дастурида белгилаб берилган ишларни тўлиқ амалга ошириш, соҳа аҳолини яхшилашнинг

бош омилларидан бири эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Шунингдек, 2012 йилда Навоий вилоятининг ҳар бир туман марказида замонавий талабларга жавоб берадиган матбуот дўконлари ўрнатиш ва улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ҳамда улар ёнидаги корхона ва таш-

таъминланиб борилиши назоратини кучайтириш алоҳида эътиборга олиниши шарт.

Йиғилишда корхонага қарашли ҳар бир киоск фаолияти устидан катъий назорат ўрнатиш ва дўкон сотувчилари билан доимий равишда тушунтириш ишлари олиб бориш мақсадида ишчи гуруҳи тузишга қарор қилинди. Матбуот дўконлари сотувчиларининг маънавий салоҳиятини ошириш бўйича маънавий-маърифий тадбирлар, семинар ва давра суҳбатларини мунтазам ўтказиш, аҳолининг даврий ва нодаврий нашрларга бўлган талабини ўрганиш борасида мониторинг ишлари олиб бориш ва буюртмаларни шакллантириш ҳамда дўконларда рўхсат берилмаган маҳсулотларни ва ҳисобга олинмаган нашрларнинг сотилишининг олдини олиш каби долзарб вазифалар ҳам ишчи гуруҳ зиммасига юкланди.

Шунингдек, маъқур масала Навоий вилоят ҳокимлиги йиғилишида ҳам муҳокама қилиниб, соҳани ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Маъқур масала ҳар ойда бир марта вилоят ҳокими раислигида танқидий муҳокама қилиб борилиши, ушбу йиғилишларда "Навий матбуот таркатувчи" шўъба корхонаси раҳбари ҳамда туман, шаҳар ҳокимларининг ҳисоботи эшитилиши белгилаб қўйилди.

Маруза ХОСИЛОВА,
"Xabar"нинг
Навий вилотидаги мухбири

Дўкон сотувчилари малакаларини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мавзуларида семинарлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ.

қилотларга обуна хизматини жорий қилишни йўлга қўйиш, дўкон сотувчилари малакаларини ошириш, маънавиятини юксалтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш мавзуларида семинарлар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ, — деди С.Нажбидинов. — Бундан ташқари, ҳар бир матбуот дўкони сиёсий-ижтимоий марказий газета ва журналлар билан тўлиқ

Коллеж ва корхона ҳамкорлиги

Битирувчиларга ўз иш жойларини топишларида кўмак бермоқда

— Беш нафар ўқувчимизни "Андижон матбуот таркатувчи" маъсуляти чекланган жамиятига ишга жойлаштириш бўйича зарур ҳужжатларни расмийлаштирдик, — дейди Андижон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш устаси Мухаммадҷон Тожибоев.

Айни кунларда Андижон вилоятининг ҳар бир касб-ҳунар коллежида битирувчиларни ўз мутахассисликларини бўйича иш билан таъминлаш, коллеж ва корхона ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилоти ҳудудий бошқармаси вилотидаги бир қатор касб-ҳунар коллежларида шу масалага бағишланган анжуманлар ўтказди. Андижон ахборот технологиялар, Андижон компьютер технологиялари ҳамда Хонобод компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежларида ўтказилган йиғилишларда билим даргоҳларининг педагогик жамоалари, битирувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирок этдилар. Вилотида соҳа бўйича

Вилотида соҳа бўйича битирувчилар сони 631 нафар бўлиб, айни пайтда битирувчи, коллеж ва иш берувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш ишлари қизғин давом этмоқда.

битирувчилар сони 631 нафар бўлиб, айни пайтда битирувчи, коллеж ва иш берувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар тузиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Анжуманларда Агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Лаазизбек Усмонов қатнашчиларини алоқа соҳаси корхона ва ташкилотларида яратилаётган янги иш ўринлари ҳамда бити-

рувчиларга амалиёт ўташ учун зарур шарт-шароитларни йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар билан таништирди. Учрашувлар давомида битирувчилар ва уларнинг ота-оналари "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ вилоят филиаллари, Андижон радиотелевизион узатиш маркази, "Андижон матбуот таркатувчи" маъсуляти чекланган жамияти, вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда бошқа корхона, ташкилотлар раҳбарлари томонидан ўзларини қизиқтирган саволларга етарли даражада жавоб олдилар.

Вилотида тизимдаги корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежларига хомийлик ёрдамлари бериб бориш ишлари йўлга қўйилган. Жумладан, баҳор байрами арафасида "Андижон матбуот таркатувчи" жамияти Андижон компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежига 850 миң сўмлик обуна ҳамда ижтимоий химояга муҳтож ўн та оила фарзандларига ўқув қуроллари жамланмаларини совға қилди.

Элмурод ЭРМАТОВ,
"Андижон матбуот таркатувчи"
МЧЖ ходими

Ўтганларнинг охири ошад бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Ишлар бошқарувчиси Фаррух Пирмухаммедовга падари бузрукворини
Шухрат ПИРМУХАМЕДОВ
нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сирдарё вилоти ҳудудий бошқармаси ва вилоят алоқа ходимлари билан қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосари Баҳодир Хидировга отаси
Эргаш ХИДИРОВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Фарғона шаҳар почта алоқаси тармоғи обуна бўлиши бошлиғи Насиббахон Тожибоевга ҳамда тармоқ ходими Ферузахон Нуралиевларга оналари
Анорхон ТИЛЛАБОВЕВнинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг Шеробод почта алоқаси тармоғи пенсия оператори
Эшмираза БОЛТАЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Жамоада жипслик бўлса...

Почта алоқаси тармоғимиз туманининг элликти маҳалласига хизмат кўрсатади. Бу манзиллардаги оилаларга газета ва журналлар ўз вақтида етказиб бериляпти. Ишончли оқлашимизда етарли техникага эгалитимиз ҳамда тажрибали хабарчиларимиз борлиги муҳим аҳамият касб этаптир. Шу ўрнида "Сина" ва "Илонсой" алоқа бўлимлари ходимлари — Хонназар Курбошназаров, Нарзулло Чориевлар номини тилган олсак, арайиди.

Кейинги пайтда мавжуд алоқа бўлимларимизнинг босқичма-босқич замонавийлаштириб борилаётгани ишда сезиларли ўсишларга эришишимизни таъминламоқда. Шундай шохбалардан олтигаси ўтган йили пул жўнатмаларига мослаштирилган компьютер жамланмасига эга бўлишди. Йўлга қўйилган янгилик туфайли кундалик иш унуми ошди. Ўз навбатида, ана шу жамоалар "ЎзМобайл" телефон тармоғи орқали интернетга уланди. "Денов-4" алоқа бўлими замонавий меҳнат буюмлари билан таъминланди. Яқин йиллар ичида мавжуд 28та алоқа бўлимининг барчаси бутунги кун талабига мос ишшоотларда бевосита ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлашга ўтади.

Фаолиятимиз фақат газета-журналларнинггина эмас, балки оилаларга тегишли хат-хабарлар, жўнатмалар билан боғлиқ хабарларни етказиш туфайли ҳам ўзига яраша кадр-кимматга эга. Олайлик, аскар мактуби борган, узок манзилда ишлаётган фарзандининг электрон пул жўнатмаси ҳақидаги хабарнома теккан оилаларда мисоли байрам бўлади. Шундай соғинч ва эҳтиёжбор янгилик етказишганда ходимларимиз меҳнатига эътибор олиниши табиий. Қолаверса, тармоғимиз қошидаги интернет-кафе ҳамда амалиёт зали имкониятлари ҳам мижозлар сафи кенгайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йили меҳнатда яна бир бор қувончли натижага эридик — йилни қарийб 136 миллион сўм соф фойда билан яқунлади. Энг яхши фаолият кўрсатган алоқа бўлимлари ҳамда ходимлар аниқланиб, қилган хизматларига яраша баҳо олинди.

Хулоса шуки, қайси жамоада худди намунали оилаларда бўлган каби жипслик барқарор бўлса, асло муаммога ҳолат қолмайди. Мен юз нафардан зиёд киши ишлаётган аҳил жамоамизда соғлом муҳит пафаси уфуриб турганидан беҳад мамнунман. Демак, бу қоядай мустахкам куч, тонг ҳавосидай майин маънавий билан олис чўққиларини кўзласа бўлади!

Умарали БАРАТОВ,
Денов тумани почта алоқаси тармоғи бошлиғи

**“O‘ZBEKISTON TELEKOMMUNIKATSIYA
TARMOQLARINI BOSHQARISH
RESPUBLIKA MARKAZI” ЖАМОАСИ**

**Вағандошларимизни
Наврўзи олам
билан табриклайди.**

**Сизга энг эзгу
тилакларимизни
йўллаётганимиздан
ғоят мамнунмиз!**

**“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

*Ўзбекистон халқини ҳалида
алоқа ва ахборотлагитириши
соҳаси ходимларини энг гўзал
ва тароватли айёли —*

Наврўз

билан қутлайди.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

*Барча юртдошларимизни
яқинлашайтган*

Наврўзи олам

*билан муборакбод этади ва уларга
эзгу тилакларини изҳор қилади.*

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

АНДИЖОН ФИЛИАЛИ

жамоаси

*Юртимиз аҳолисини
умумхалқ байрами —*

Наврўз билан

муборакбод этади.

SEMINAR

Давр талаби

Бугунги кун хотин-қизлар кўмиталари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси тизимида фаолият юритаётган бош мутахассислардан сиёсий, ҳуқуқий билимларни ошириб боришни, ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашни талаб этмоқда. Шуларни ҳисобга олиб, Фарғона вилояти ҳокимлиги хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассисларининг бу борадаги билим-кўникмаларини оширишга қаратилган ўқув семинарини ташкил этди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари — хотин-қизлар кўмитаси раиси Мавлуда Хўжаева Президентимиз И.Каримовнинг "Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" маърузаси мазмун-моҳияти ва "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ижросини таъминлаш борасида вилоят хотин-қизлар кўмитаси олдида турган долзарб вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Фарғона вилояти бўлими масъул котиби Энаҳон Сидикованинг Президент И.Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби ҳақидаги суҳбати қизиқиб тингланди.

Вилоят компютерлаштириш маркази директори А.Ахмедовнинг Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда унинг ҳуқуқий асослари, замонавий АК-Тдан таълим, бошқарув, иқтисодиёт тармоқлари ва ахборот-ресурс марказларида кенг фойдаланиш ҳамда компютерда ишлаш бўйича ўтказган амалий машғулотида бош мутахассислар ўзларига зарур кўникмаларни олишти.

Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали мажлислар залида ўтказилган ушбу ўқув семинари барча иштирокчилар учун фойдали бўлди.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ижросини таъминлашда банк тизимининг роли" мавзуда матбуот анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган тадбирда ушбу банк ва мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижрат банкларининг раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, айни пайтда мамлакатимиз банк тизими катъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, бу жараён

сўз билан айтганда, ҳар томонлама имконият ва имтиёз яратиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бевосита тижрат банклари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шундан келиб чиққан ҳолда "Мустақкам оила йили Давлат дастури"га мувофиқ кичик бизнес субъектларини молиявий

Оилалар мустақкамлигида банкларнинг ўрни

да юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши иқтисодиётнинг изчил юқори ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини орттириш, банк тизими барқарорлигини янада мустақкамлаш, тижрат банкларининг инвестицион фаоллигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни молиялашнинг кенгайтириш максатида амалга ошириляётган бир қатор ишлар бошланғич капитални шакллантириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида эътибор қаратилиб, кенг қўлмалли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда мустақкам меъёрий-ҳуқуқий базанинг яратилётгани ҳам соҳа ривожиди муҳим аҳамият касб этаётир, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Марказий банки раисининг ўринбосари Ш.Хайдаров. — Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралдаги қарорига мувофиқ ҳаётга татбиқ этиляётган "Мустақкам оила йили Давлат дастури" да ҳам бу жиҳатлар ўз аксини топган. Хусусан, Давлат дастурида ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқаришда қўмаклашиш, шинам уй-жой билан таъминлаш, бир

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 28,3 миллиард сўм, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 68 миллиард сўмдан ортиқроқ имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

қўллаб-қувватлаш максатида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 4,5 триллион сўм миқдориди маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда. 843 миллиард сўмдан кўпрогини микрокредитлар ташкил этадиган мазкур ресурслардан касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес-режаларини имтиёзли шартлар асосида молиялаштиришга 28,3 миллиард сўм, ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 68 миллиард сўмдан ортиқроқ имтиёзли микрокредитлар ажратилади.

Матбуот анжуманида қайд этилишича, тижрат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектларини, оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини битирувчи ёшларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратил-



моқда. Шунингдек, ёш оилаларнинг турмуш фаровонлигини ошириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар қўрилмоқда. Хусусан, ҳар бир тижрат банкида "Ёш оилаларга — истеъмол кредитлари" дастурига мувофиқ, ёш оилаларга энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача 3 йил муддатга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари учун кредитлар ажратилади.

— Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилдиган 40 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит кичик тадбиркорлик субъектларининг юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узок ва бориш қийин, меҳнат ресурслари зич туманлар ва шаҳарларда жойлашган микрофирмалар, кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаштиришга йўналтирилади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш департаменти директори А.Сайфуллаев. — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Мустақкам оила йили Давлат дастури" ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари мазмун-моҳияти, яратилган имтиёзлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитлари, аҳолининг, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш масалалари юзасидан ҳамкор ташкилотлар билан амалий учрашув ва семинарлар ташкил этиб боришни режалаштирган.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашдилар.

О. РАЗЗОҚОВА

Яна телефонлар ҳақида

Бугунги кунимизни телефонсиз тасаввур қилолмаймиз, телефонлар ўзининг манфий ва мусбат томонлари билан турмушимизни тўла камраб олган. Табиийки, у оғиримизни енгил, мушкуллимизни осон, узогимизни яқин қилмоқда. Ҳамкорликда ташкил этилган мобил алоқа компаниялари алоқа хизмати сифатини яхшилаш, аҳолига имтиёзлар яратиш максатида ким ўзарга мусобақани авж олдиришган. Буларнинг ҳаммасидан қувонса арзийди. Аммо ана шу имкониятлардан фойдаланишда биз метёрдан чиқиб кетмаймизми?

Очик айтишимиз лозим, "сотка" аталмиш матох бугун одамларимизни, айниқса, ёшларимизни ўз домига тор-

тиб олган. Қўчада, уйда, театрда, жамоа транспортларида ва энг ёмони дарсларда ҳам ёшларнинг ундан ўринсиз фойдаланаётганига ҳаммамиз ҳар кун гувоҳи бўламиз. Гувоҳи бўлганимиз, одатдагидай бамайлихотир қўл силтаб қўяколамиз. Мана шу бепарқлигимиз эртага қатор нохушлиқлар келтириши мумкинлигини англаб етишимиз керак. Айрим ота-оналар телефонни фарзандларини назорат қилиб туриш дастаги деб тушунишади.

"Сотка"сини интернетга улаб олган ўқувчи эса бу бамайлихотирлик туфайли ундан хоҳлаганча фойдаланмоқда. Мактабга ёки коллежга кетдим, деб ота-онасидан тушлик учун олган пулини интернет-кафеда сарф-

лаб, вақтини ўтказаятган ўқувчиларни қўллаб учратиш мумкин. Эртдан кечгача компютер олдида турли ўйинлар ўйнаб, соғлигини, кўз нуруни йўқотаётган ёшларимизни вақтида ҳушёр тортириш учун илм масканлари жамоаси билан ота-оналарнинг мустақкам алоқаси ва ҳамкорлиги зарур, деб ўйлайман.


Умуман, бу борада маҳалла, жамоа ташкилотларининг ҳам фаол саъй-ҳаракатлари керак бўлади. Шундагина биз фарзандларимизни кўзга кўринмас, аммо хатарли касалликлар — "телефон вабоси" ва "интернетпастрелик"лардан қутқариб қолган бўламиз.

Хўш бу борада сиз нима дейсиз, ўқитувчи ҳамкасблар?

Насиба НОРМЕТОВА,
Ҳарбий телекоммуникация
йўналишидаги Тошкент академик
лицейи ўқитувчиси



Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, физика-математика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, амалий математика, кибернетика, математик моделлаштириш соҳаларида самарали тадқиқотлар олиб бораётган ҳамда етук мутахассислар етишиб чиқишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган таниқли олим Фарадей Басирович АБУТАЛИЕВ муборак 80 ёшга тўлди.



Ўн беш ёшли талаба

Фарадей Басирович 1932 йилнинг 25 мартда Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Унинг таржимаи холига, ҳаёт йўлига эътибор қаратилса, халқимизда "бола бошидан" деган хикматнинг қанчалик ўринли эканига яна бир бор шохид бўлаемиз. Фарадей Басирович ёшлигиданок билимга чанқоқлиги ва барча фанларни муваффақиятли, тез ўзлаштиргани боис 1947 йили ўрта мактабни тезкор битириб, 15 ёшида Ўрта Осиё Давлат университетининг физика-математика факултетига ўқишга киради. Талаба бу ерда ҳам ўзининг тиришқоқлиги, туғма қобилияти билан кўпчилиكنинг назарига тушади. Шу туфайли 1952 йили университетнинг механика мутахассислигини тугатиши билан Ўзбекистон Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институтини аспирантурасига қабул қилинади. Шу йилдан бошлаб, яъни 20 ёшдан то шу бугунга қадар Фарадей Басировичнинг илмий фаолияти тинимсиз, самарали давом этиб келмоқда.

Миллатнинг кўрки

Республикамизнинг нуфузли нашрларидан бўлган "Bella Terra" журналининг 2008 йил сентябр сонида Ўзбекистон Миллий университетининг 90 йиллиги муносабати билан берилган мақолада дунёга танилган олим даражасига кўтарилган университет битирувчиларидан бир гуруҳи ёлма-ён тушган суратлари келтирилган. Олимларнинг алоҳида суратлари уларнинг ҳаёт шioriлари билан келтирилган. Фарадей Абуталиевнинг шiori оддий, лекин жуда ҳам ўзига хос ифодаланган: "Ҳеч қачон ҳеч кимга ҳасад қилмадим. Ҳаёт ҳаммасини ўз ўрнига қўяди. Фақат ўз ишининг билиб қилсанг бўлди". Ҳақиқатан ҳам ҳаёт ҳаммасини ўз ўрнига қўйди. Ушбу кун Фарадей Басирович миллат кўркига айланган, шoirона ташбех билан айтилганда, тириклигида ўзига "хайкал" яратган олимлардан ҳисобланади. Унинг илмий фаолияти ва фанга қўшган ҳиссасини тўла ёритиш учун бир мақола камлик қилади. 1968 йилдан бери номзодлик ва докторлик илмий даражасини берувчи турли илмий кенгашларда раис ва аъзо сифатида фаолият юритиб келмоқда.

Серқирра олим

Фарадей Басирович қайси соҳада илмий изланишлар олиб борган, деган саволдан қўра, қайси соҳада илмий изланишлар олиб бормаган, деган савол осонроқдек туюлади. Чунки у амалий математиканинг деярли барча

йўналишларида ҳам назарий, ҳам амалий ишлар олиб борган. Буни унинг илмий ишлари рўйхатидан ҳам кўриш мумкин.

Устоз 1961 йилда "Товуш тезлиги атрофидаги газ динамикасининг баъзи муаммолари" мавзусида фан номзодлиги диссертациясини, 1969 йилда эса

Серқирра олим, талабчан устоз

Фарадей Абуталиев томонидан 400дан зиёд илмий мақола ва рисола-лар, муҳаррирлиги остида эса 50та рисола ва тўпламлар нашр қилинган. Устоз раҳбарлигида 15та докторлик диссертациялари, 85та номзодлик диссертациялари тайёрланган.

"Бир ва кўп қатламли ер ости муҳитларидаги барқарор бўлмаган оқимларни ечининг баъзи аналитик ва сонли усуллари" мавзусида докторлик диссертациясини химоя қилган. 1972 йили унга профессор илмий унвони берилган. 1982 йили фан соҳасидаги ютуқлари ва юқори малакали кадрларни етиштиришдаги хизматлари учун "Республикдан хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвонига сазовор бўлган. 1984 йили амалий математика, ҳисоблаш математикаси соҳасида эришган улкан ютуқлари учун ЎзФА муҳбир аъзоси, 2000 йили эса ЎзФА академиги этиб сайланган. 1996 йили табиий жараёнларни моделлаштириш ва башорат қилиш соҳасида катта ҳисса қўшганлигини инobatта олиб, Халқаро экология ва табиатдан фойдаланиш Академиясининг академиклигига сайланган. 1975 йили Ф.Абуталиевнинг илмий тадқиқотлари ва уларнинг табики Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси бош кўмитасининг медали ва мукофоти билан тақдирланди. Айнан шу йили Ф.Абуталиев, И.Измайлов, У.Умаровлар томонидан тайёрланган "Аналитик ва тақрибий ечиш усуллари билан ер ости сувларининг динамика-

сини таҳлил қилиш" монографияси мамлакатимизда ва хорижда чоп этилганлардан энг муҳими сифатида тақдирланган.

Талабчан устоз

Ўрни келганда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлашни истардик. Фан соҳасида олимлар ҳақида гап кетганда, "фалончининг мактаби" атамасидан фойдаланилади. Бу атама ҳам ўз-ўзидан эмас, илм-фан ахлининг эътирофи билан юзага келади. "Абуталиев мактаби" атамаси ҳам тан олинган "мактаб"лардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам Фарадей Басирович ўз атрофида ишчан илмий муҳитни яратишга эришган. Тасаввур қилинг, бир устознинг 100 шогирди: 15 фан доктори, 85 фан номзоди, гўёки бир отанинг 100 фарзандидек. Уларнинг барчаси шу муҳитда нафас олиб, талашиб-тортишиб, вақти келганда, бир-бирини қўллаб-қувватлаб фанга ўз ўрнини топган. Устознинг илмий-текшириш институтида хар жума кун илмий марказлари нафақат Ўзбекистон, собиқ Иттифоннинг деярли барча илмий марказлари танилганди. Бу семинар хулосаси ҳам салмоқли ва катта мавқега эга эди. Шунинг учун ўз илмий ишлари, номзодлик, докторлик ишларини муҳокамадан ўтказиш учун талабгорлар кўп бўлиб, навбатда туришар эди.

Ф.Абуталиев семинарларида катнашиш ҳуқуқига эга бўлган шогирд ва аспирантлар учун эса бу ҳақиқатан ҳам ҳавас қилса аригулик мактаб бўлиши билан бирга, катта масъулиятни ҳам юкларди. Чунки улар устознинг талабчан нигоҳи қанчалик ўткир эканлигига, фандаги сохталikka асло йўл бермаслигига шохид бўлардилар. Вақти келиб, ўзлари ҳам шу семинар муҳокамасига дуч келишини ўйлаб, илмий изланишларида хар томонлама пухта иш олиб боришга интилардилар. Шунингдек, ўша даврларда мате-

матик ва механикларнинг Бутунитти-фок илмий конференциялари, съезд ва семинарларининг баъзилари Тошкент шаҳрида ўтказиларди. Бу анжуманларга келган атоқли олимларнинг барчаси Ф.Абуталиевни шахсан танир, аксарияти эса ўзини у кишига жуда яқин тутаётганлиги шундук сезилиб турар эди. Устоз туфайли унинг қўллаб шогирдлари ҳам дунёга танилган олимлар билан бир даврада бўлиш, улар суҳбатидан баҳра олиш, хаттоки ўз илмий ишларини улар муҳокамасига қўйиш бахтига ҳам эришар эдилар.

Устознинг шогирди сифатида унга ҳавас қиладиган, ундан ўрганишни хоҳлайдиган хислатлар жуда кўп — ўта камтарлик, хозиржавоблик, мураккаб муаммони ҳам оммабоп, содда қилиб тушунтира олиш, деярли барча соҳа (адабиёт, санъат, тарих, фалсафа) бўйича билимдонлик, фандаги фидойилик, ғайрат ва сўнмас шижоат.

Ҳамон илм йўлида

Ф.Абуталиев илмий ишлари билан бирга, педагогик фаолиятини ҳам самарали олиб бормоқда. 1976 йили унинг ташаббуси ва бевосита иштироки натижасида Тошкент электротехника алоқа институтида "Ҳисоблаш математикаси" кафедраси ташкил қилинди. Кафедрага устознинг ўзи мудир этиб тайинланди. Кафедранинг шаклланиши, кадрлар билан таъминланишида ҳам унинг ҳиссаси жуда катта. Мана 36 йилдирки, Ф.Абуталиев Тошкент ахборот технологиялари университетида ёш авлодга илм ва таълим бериш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб, "Олий математика", "Дискрет математика", "Эхтимоллар назарияси", "Математик моделлаштириш усуллари" фанлари бўйича маърузалар ўқиб, маърузалар матнларини таҳрир қилиш, таълим жараёнига интерфаол услублар — инновацион-педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ишларида етакчи. Бу ерда ҳам интилувчан ёшларга илмий изланишларида раҳбарлик қилиб келмоқда — талабалари орасидан икки нафари Президент стипендиясига, уч нафари Беруний номидаги ва икки нафари Агентлик томонидан жорий қилинган стипендияга сазовор бўлган. У киши раҳбарлиги остида уч фан доктори ва тўққиз фан номзоди етишиб чикди. Ушбу кунларда ҳам устоз тинимсиз ижод ва изланишда. Унинг раҳбарлигида илмий иш олиб бораётган аспирант ва докторантлар орасида ишени яқунлаб, химоясига чиқиб арафасида турганлари ҳам бор.

ТАТУнинг бутун жамоаси Фарадей Басирович Абуталиевдек замонамиз қахрамони, буюк олим билан бир жамоада эканлигидан фахрланадилар. Устозга мустаҳкам соғлиқ, яна кўп йиллар уни ғайрат ва шижоат тарк этмаслигини тилайдилар.

А.МИРЗАЕВ
ТАТУ "Олий математика" кафедраси доценти,
Ю.АБДУРАҲМОНОВА,
кафедра мудир

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:



маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003550 рақамли; "SAMARQANDMAXSUSSUVDRENAL" масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизматлар кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003573 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 12 мартдан тугатилди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Темиров Зиёдулло номига 2007 йилда берилган рейтинг дафтарчаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ALOQABANK

OAT "Алоқабанк" байрам муносабати билан миллий валютадаги янги ва жозибадор омонатларини тақлиф этади:

АЛОҚАДА НАВРЎ
12 ой муддатта
(Бонус ёки Соғат)

ФОЛИБ
12 ой муддатта
(фақат 21 марта қалар қабул қилинган)

АЗИЗ ОИЛАМ
6 ва 12 ой муддатта
(Бонус)

КОММУНАЛ ДЕЛЪТА
12 ой муддатта

Омонатларни банкнинг барча филиалларида очишингиз мумкин

1. Амалиёт бошқармаси (371) 237-49-36
2. Қорақалпоғистон филиали (361) 222-03-61
3. Хоразм филиали (362) 226-93-11
4. Наманган филиали (369) 233-05-74
5. Андижон филиали (374) 224-10-81
6. Бухоро филиали (365) 223-23-54
7. Сурхондарё филиали (376) 223-45-56
8. Самарқанд филиали (366) 231-15-01
9. Қашқадарё филиали (375) 223-17-89
10. Навоий филиали (4365) 32-29-04
11. Фарғона филиали (373) 224-98-10
12. Жиззах филиали (372) 226-68-58
13. Миробод филиали (371) 255-80-08
14. Кўкон филиали (373) 553-55-77

Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан тўлиқ кафолатланади.

*Азиз юрждошлар,
Сизларни Наврўзи олам билан
тин юракдан табриқлаймиз!*

*Сизларга сўхат-саломатлик, хонадонларингизга
файзу баърака, юртимиз равнақи, халқимиз
фаровонлиги йўлида олиб бораётган
барча ишларингизда улкан Зафарлар тилаймиз!*

Маълумот учун телефон: 233-47-20.
www.aloqabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

Адхам ҲАМДАМ

ХОЛАМНИНГ ҚУМҒОНИ

Холам эри ўлгандан кейин учта боласи билан қолди.

Болалари қатта бўлишиб, бири доктор, бири агроном, кизи бўлса Ленинградга

Воқеий ҳикоя

Ўқинишга кетди. Кампир ёлғиз қолиб эртадан кечгача ховлида бир ўзи қора қумғонни қайнатиб чой дамлагани дамлаган. Қўшни хотинларни чақириб чойни майдалашади. Маҳалла кампирларининг оғри холамнинг уйдан узилмайди.

Яқинда уй бошқармасидан келишиб, холамини янги уйга кўчиришди.

Янги уй жуда антика эди. Бир томонда газ ўчоқли ошхона, бир томонда ётоқхона, бир томонда ҳаммом — ҳамма нарса тахт.

Холам ўз буюмларини кўздан кечириб янги уйни жиҳозлашга киришди. Ана

холос. Қумғон йўқ, кадрдон қорақумғони қани?

Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмади. Автобуста тушиб, эски ховлисига келди. Хаммаёқни титиб кўрди.

Қумғон йўқ. Қаерда қолди кадрдон қумғон. Холам жуда хафа бўлиб кетди. Нахотки, қумғон топилмас.

Хар сафар газни ёндириб чой қайнатганда хаёлига ана ўша қумғон келади. Юраги ўша қумғондек қайнаб жигиллаб кетади.

Холам яқинда бир бозор қилиб келай деб автобус бекатига чиқди. Эндигина жўнаб кетаётган машинага чиққан бир қизнинг бошида холамнинг қумғони турар эди. Холам югурди. Автобус юриб кетди. Улгуролмади. Холам бечора чапак чалганча бақириб юборди.

Шу ерда турган миллионер холамнинг ёнига келди.

— Ха, кампир, ўзи нима гап? Тинчликми? — деб сўради.

— Вой, болам, йўқотган нарсам топилди. Ўғри мана шу автобуста кетди.

Миллионер кампирни мотоциклга ўтказиб автобус кетидан қувди. Нариги бекатда автобуста етиб олишди.

Холам автобусдан тушаётган одамларни туртиб-суртиб ичкарига ўзини урди. Бошига қумғон қўйиб келаётган аёлга ташланди. Қиз кўрқиб дод деб юборди. Тўполон бошланиб кетди. Бир нарса ерга тушиб жиринглаб синди. Холамнинг қўлида бир сиким похол. Бечора холамнинг хиралашиб қолган кўзига нотаниш қизнинг ичига шиша банка қўйиб ўраган причёскаси қумғон бўлиб кўринган экан.

Табриқлаймиз!

"Ўзбектелеком" АҚ Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси Мижозлар бўлими мутахассиси Клаара НАЗАРБАЕВНА ҳамда 225-ЭАТС бошлиги Шаранатдин ҚАЗАКБАЕВларни муборак 50 ёшлари билан табриқлайди. Уларга мустахкам саломатлик, узок умр, фарзандлари бахту икболлини кўришлигини тилайди.

"Ўзбектелеком" АҚ Фарғона филиали жамоаси Бешарик телекоммуникациялар боғламаси ходими Имомжон АБДУМАЛИКОВНИ 60 ёши билан, Риштон телекоммуникациялар боғламаси ходими Нўмонжон ДАДАБОВЕВИН 55 ёши ҳамда Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси ходими Эркинжон ҲАМРОЕВИН 50 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга узок умр, бахту-шодликларга тўла умр тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими Бахтиёржон БЎРОНОВНИ 55-бахори, Олтинчи почта алоқаси тармоғи ходими Насибхон ТўРАЕВНИ 50-бахори билан самийий кутлайди. Уларга соғ-омонлик, узок умр, фарзандлар бахту камоллини кўришлигини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" Қорақалпоғистон филиали жамоаси Элдиккалаш почта алоқаси тармоғига қарашли Махтумқули почта алоқаси бўлими хабарини Шамурот АШИРОВНИ муборак 60 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Унга мустахкам саломатлик, узок умр, фарзандлари камоллини кўришлигини тилайди.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асаджон ХҲЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУХАМЕДОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслидин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-352 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 18289 нусха.

Вилоят муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганчда 226-37-16 Фарғонада 224-91-56 Қаршида 314-08-99